



## PECULIARITIES OF THE STUDY OF THE PROFESSIONAL TRAINING OF MILITARY PERSONNEL OF THE ARMED FORCES

Sherzod Ibragimovich Egamberdievich<sup>1</sup>

*Commander of the military unit 81140 of the Tashkent city administration of the National Guard*

### KEYWORDS

participants in combat operations; program for the development of psychological training; neuropsychic stability; adaptive abilities; mental states; post-traumatic reactions

### ABSTRACT

The article presents the results of the study of the psychophysiological and professional training of military personnel of the armed forces in the study of the mental stability of military personnel who have undergone special psychological training and who have not undergone special psychological training. The psychological conditions of military personnel during armed conflicts and emergency situations are highlighted.

2181-2675/© 2024 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: [10.5281/zenodo.14060029](https://doi.org/10.5281/zenodo.14060029)

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

<sup>1</sup> Independent Researcher, Commander of the military unit 81140 of the Tashkent city administration of the National Guard, Uzbekistan

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

KALIT SO'ZLAR/  
КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

жанговар операциялар  
иштирокчилари;  
психологик  
тайёргарликни  
ривожлантириш дастури;  
нейропсихик  
барқарорлик; адаптив  
қобилиятлар; рухий  
ҳолатлар; травмадан  
кейинги реакциялар

## ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Мақолада қуролли кучлар ҳарбий хизматчи ходимларининг маҳсус психологик тайёргарлиқдан ўтган ва ўтмаган ҳарбий хизматчилар – жанговар ҳаракатлар иштирокчиларининг руҳий барқарорлигини ўрганишда психиофизиологик ва касбий тайёргарлигини тадқиқ этиш натижалари келтирилган. Қуролли тўқнашувларда, фавқулотда ҳолатларда ҳарбий хизматчиларнинг психологик ҳолатлари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низоми Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, тарихий-миллий тажрибанинг таҳлили ва ҳарбий-таълим соҳасида эришилган жаҳон миқёсидаги ютуқларни қамраб олади. Юксак умумий ва ҳарбий маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир ҳарбий кадрларнинг янги втандарвар авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев алоҳида уқтириб ўтганидек, “Ҳарбийлар халқимизнинг маънавий етук фарзандлари бўлиши керак. Бунинг учун шахсий таркибнинг маънавий етуклигини, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини юксалтириш лозим. Сиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз ворислари эканлигинизни доим ҳис қилиб, шунга муносаб хизмат қилсангиз, ёшларимиз ватандарварлик, она юртга садоқат туйғуларини сизлардан ўрганади.”

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилган хавфсизлик кенгашининг йиғилишида “мен ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмонан ва руҳий тайёргарлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларга эътибор қаратмоқчиман. Нега деганда, жисмоний тайёргарлик ҳарбий хизматчилар учун хизмат фаолиятида, ҳарбий карьерасида ва умуман, турмуш тарзида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиши зарур. Ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидамлиги бўлиши ҳақида гапирганда, кейинги пайтда дунёning турли минтақаларида содир бўлаётган қуролли тўқнашувларда кўзга ташлананаётган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, жанговар

ҳаракатлар давомида шахсий таркиб ўртасидаги йўқотишларнинг асосий қисми кучли руҳий таъсир ва зарбалар билан боғлиқ экани маълум бўлмоқда. Бундай руҳий жароҳатларни ҳатто тинч шароитда ҳам даволаш жуда мураккаб масаладир”,<sup>2</sup> -деб такидлаб ўтган эдилар.

Миллий гвардия махсус бўлинмалари ҳарбий хизматчилари хизмат-жанговар фаолиятда куну тун жамоат тартибини муҳофаза қилиш, шу жумладан оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини муҳофаза қилиш, фувқулодда ҳолат, алоҳида давр ва террорчиликка қарши операцияларни ўтказиш шароитларида хуқуқий режимни таъминлаш бўйича вазифаларни бажарадилар.<sup>3</sup>

Ҳарбий хизматчилар юқоридаги вазифаларни бажариш чоғида бевосита фуқаролар, хуқуқбузарлар, жиноятчилар, уюшган жиноий гуруҳлар, террорчилар билан тўқнаш келади. Бундай вазиятларда ҳарбий хизматчидан қонун доирасида тезлик билан қарор қабул қилиш, хуқуқбузарларни заарсизлантириш ёки қўролни қўлаши, гаровга олингандарни озод қилиш каби масъулиятли вазифаларни бажаришда улардан юқори психолигик тайёргарликни тақазо этади. Кундалик фаолиятда ҳарбий хизматчилар билан психолигик тайёргарлик машғулотларида уларнинг иродасини мустаҳкамлаш, тезлик билан қарор қабул қилиш, шахснинг индивидуал-психолигик хусусиятларни билиш, характеристи, қобилияtlарни шакллантириш, шунингдек стресс, депрессия ҳолатлардан чиқиш бўйича муайян ишлар амалга оширилади.

Шунингдек ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисмнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик режасига асосан, бўлинма таркибида ҳафталаб ёки ойлаб дала машғулотларига чиқишиди шунингдек, ҳарбий машқлар, ўқувларда бўлинма таркибида қатнашади. Ҳукуматимиз, Миллий гвардия қўмондонлиги томонидан бўлинмага юқлатилган вазифаларни бажариш учун узоқ муддатга сафарбар этилади. Бундай вақтларда ҳарбий хизматчиларни психолигик тайёргарлигини такомилластириш, ахлоқий-руҳий таъминотни сақлаш, стресс, руҳий жароҳат олганда уларни бартараф этиш чораларини албатта кўриш лозим.

Ҳарбий хизматда ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий психология жуда муҳим. Ҳарбий психология бу ҳарбий хизматчиларнинг руҳий ҳолатини ўрганишга, руҳий ҳолатига таъсир этишга қаратилган жараёндир. Ҳарбий психология тарихи, генезиси узоқ тарихга ва тарихий воқеа ва ҳодисаларга бориб тақалади. Александр Македонский (эр.авв. 356-323 йилларда яшаб ўтган). Унинг устози Аристотель бўлган. А.Македонский аскарлар психологиясини яхши билган ва улар орасида катта ҳурматга сазовор саркарда бўлган. У оддий аскарлар билан тенгма-тeng жангга

<sup>2</sup> Ш.М.Мирзиёев. Хавфсизлик кенгашининг йиғилишидаги маъruzасидан. Тошкент. <https://www.Gazeta.uz/> 10.01.2018.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-қонуни.

киришган. Тарихий далилларга кўра, довюраклиқда ва жасурлиқда унга тенг келадигани бўлмаган. А.Македонский ҳарбийлар орасида миш-миш тарқатиш методологиясини яхши билган ва ўргангандан.

Ироқда бўлиб ўтган жанговар ҳаракатларда Америка ҳарбий қўмондонлиги атайлаб Ироқ ҳудудига варақалар тарқатиб, Садам Хусайн ва Ироқ Қуролли Кучлари қўмондонлиги ҳақида ёлғон маълумотлар тарқатиб, Ироқ ҳалқи ва ҳарбийлар орасида миш-миш тарқатиш орқали уларга нисбатан ишончсизлик руҳиятини шакллантирган. Бугунги кун ёлғон хабарлар тарқатиш орқали ахборот, салбий ахборот хуружи, кибержиноятчилик орқали ахоли ва ҳарбийлар орасига кириб бориш психологияк қураш услублари айrim давлатлар қуролли кучлари томонидан кенг қўлланилмоқда ва бу ўз навбатида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни янада ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу боис, бугун юртимида Қуролли Кучлар олдига қўйилган асосий талаблардан бири ҳам ахлоқий-руҳий таъминот ишларининг самарадорлигини янада оширишdir.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Қуролли Кучларимизда ҳарбий хизматчиларни руҳий жиҳатдан тайёрлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакат тинчлигини ва хафсизлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Тинчлик ва хафсизликни таъминлашда бошқа давлат органлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.<sup>5</sup>

Шунингдек, миллий гвардия бўлинмалари ҳарбий хизматчилари жанговар-хизмат мажбуриятларини бажаришда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавсиз ҳудуд лойиҳасида куну тун уч сменали патруллик режимида патрул-пост хизмати ва йўл-патрул хизмати, блок постларда хизмат мажбуриятларини бажарадилар.<sup>6</sup>

Хизмат ва жанговар вазифаларини бажариш пайтида ҳарбий хизматчиларнинг хатти-ҳаракатлари хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш психика ва экстремал вазиятларнинг таъсир механизmlарини тушунишга ва ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишига имкон беради. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг ўқув жараёнида психологик тайёргарликни шакллантириш бўйича услублар, тренинглар ишлаб чиқиши ва амалга оширишни тақазо этади.<sup>7</sup>

<sup>4</sup> Р.М.Махмудов. Ҳарбий психология ва педагогика.Т.ХТИ.,2019.10 б.

<sup>5</sup> Р.М.Джураев. Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларини замонавий талаблар асосида амалга ошириш. ЎРМГ ҲТИ Ахборотномаси. -2020.- № 1,- 3 б.

<sup>6</sup> С.Д.Мамаюсов. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ахлоқий руҳий таъминотни ташкиллаштириш масалалари. Республика илмий амалий конференция материаллари. Тошкент., 2021, 5 б.

<sup>7</sup> А.Ю.Голубенко. Современные способы формирование психологическое готовности у военнослужащих Национальной гвардии Республики Узбекистан исходя из специфики служебно-боевых задач. Т.: ВТИ РУ

Юқорида таъкидланган вазифаларни бажаришда Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари турли хизмат қийинчиликларига, яъни фуқаролар, ҳуқуқбузарлар, жиноятчилар томонидан кўрсатиладиган турли хил қаршиликларга, тазиқларга, билдирилган салбий муносабатларга учраши мумкин. Бундай вазиятларда ҳарбий хизматчилардан хушмуомалада бўлиш, мулоқатга киришиб кетиш, тезкорлик билан қарор қабул қилиш, қатъиятли бўлиш, ҳиссиётларга берилмаслик ва кучли иродали бўлиш каби психологик хусусиятларни эгалашни тақозо этади.

Юқорида таъкидланган вазифаларни амалга ошириш ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятида психологик тайёргарликни такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳарбий хизматчиларнинг психофизиологик ва касбий тайёргарлиги такомиллаштириш ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, ҳарбий тактик қарорларни онгли равишда танлаш, кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва ўзига хос ижтимоий-психологик шароитларни яратишни, жамият, давлат, оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари қўйидаги талаблар қўйилади:

муддатли ҳарбий хизматчилар эгаллаб турган лавозими бўйича ҳарбий ихтисосликни сифатли ўзлаштириши, ишониб топширилган қурол ва ҳарбий техникани ишлата билиш қўнималарини эгаллаши, мустаҳкам ҳаётий позиция, ватанпарварона дунёқараш, юксак маънавий-ахлоқий ва жисмоний сифатларга эга бўлиши, ҳарбий бурчни бажаришга тайёр туриши зарур;

оддий аскарлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчилар муддатли ҳарбий хизматчиларга тааллуқли бўлган сифатларни эгаллаш билан бир қаторда, ҳарбий касбни чуқур ўзлаштириши, ўзаро боғлиқ мутахассисликларни ўрганиши, вазиятнинг турли шароитларида жанговар ва хизмат вазифаларини бажариш вақтида ишониб топширилган қурол ва ҳарбий техникани қўллашнинг мустаҳкам қўнималарига эга бўлиши лозим;

сержантлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчилар маънан етук, ҳарбий бурчни бажаришга руҳан тайёр бўлиши, ҳарбий касбни мукаммал билиши, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани моҳирона қўллай олиши ҳамда уни сақлаш ва ундан фойдаланишда эҳтиёткор бўлиши керак. Уларга бўлинмаларда юксак жанговар руҳ, соғлом маънавий-руҳий муҳит яратиш, бўйсунувчиларда Ватанга содиқлик ва ватанпарварлик ҳисларини доимий равишда тарбиялаб бориш, уларни ҳарбий ихтисосликлар ва зарурий қўнималарни ҳосил қилиш вазифалари юклатилади;

офицерлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчилар

профессионал тайёргарликка эга командир (раҳбар), ҳарбий бўлинмаларга командирлик (раҳбарлик) қилиш, мураккаб вазиятларда тезкор мослашиш ва мустақил ҳаракат қилиш, ностандарт қарорларни қабул қилиш ҳамда шахсий намунаси билан бўйсунувчиларни жанговар ва хизмат вазифаларини ҳал этишга йўналтира олишга қодир, ҳарбий ишга оид чуқур билимлар, юксак маънавий-рухий сифатлар, кенг дунёқараш, интеллект, яхши ташкилотчилик қобилиятига эга, ишониб топширилган қурол-аслача ва ҳарбий техникадан тўғри фойдаланиш ва уни сақлашни биладиган мутахассис бўлишлари зарур.

Юқорида санаб ўтилган сифатлар ўзини ҳарбий хизматга, Ватанга хизмат қилишга бағишилаган ҳар бир фуқаро учун ҳаётий мақсад бўлиб қолиши ва машақкатли меҳнат асосида шакллана бориши, нафақат экстремал шароитларда, балки тинчлик даврида кундалик хизмат давомида ҳам сингдирилиб, намойиш этилиб борилиши лозим.

Ишлар тажрибаси ворисийлигини таъминлаш, ёш ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматга мослашуви, касбий шаклланиш ва юклатилган хизмат вазифаларини мустақил бажариш қобилиятини ривожлантириш жараёни тезлашишини таъминлаш мақсадида ҳарбий хизматчиларга юқори даражали касбий сифатларга эга бўлган, тайёргарлиги энг яхши ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар фахрийлари орасидан мураббийлар бириктирилади.

Мураббийлик тартиби вазирликларнинг идоравий ички хужжатлари билан белгиланади.

5. Қуролли Кучлардаги ҳарбий хизматга ватанпарварона дунёқараш, юқори маънавий-ахлоқий сифатлар, зарурий интеллектуал савия, билим доираси кенг, шунингдек жисмоний тайёргарликка эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киради.

6. Қуролли Кучларни контракт бўйича ҳарбий хизматчилар билан бутлаш номзодларни ҳарбий-касбий саралаш йўли билан амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган шахслар бундан мустасно.

7. Қуролли Кучларни бутлаш териториал ва экстерриториал тамойиллари асосида амалга оширилиши мумкин.

Территориал (экстерриториал) тамойил бўйича бутланадиган бўлинмалар ва/ёки мутахассисликлар рўйхати вазирликлар раҳбарлари томонидан белгиланади.<sup>8</sup>

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ҳарбий таълим ислоҳотларининг бош мақсади асосан ҳарбий хизматчиларнинг шахси ва касбий тайёргарлигини ҳар томонлама ривожлантириш асосида янги давр учун баркамол

<sup>8</sup>. “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори

ватанпарвар шахсни этиширишдан иборатдир. Шунга кўра, ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлигининг мазмунининг янги моделларини танлаши, уни амалиётда оқилона қўллаши ўқув-билиш жараёни самарадорлигининг ортишига, ҳарбий хизматчи эгаллаши керак бўлган билим, кўникма, малакалар шахс фазилатларининг такомиллашувини таъминлашда фаол иштирок этиши зарур.

Ҳарбий таълим мазмунининг янги моделлари, унинг мақсадлари мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий, илмий-техникавий ва ахборот-технологик омиллар таъсирида мунтазам тарзда янгиланиб туришини узлуксиз таъминлашни талаб қиласди. Шунга асосланиб, ҳарбий хизматчининг амалдаги таълими мазмунида шахс, жамият, фан-техника, инсон хавсизлигини таъминлаш эҳтиёжларининг чамбарчас боғлиқлиги ўз ифодасини топиши лозим. Бугунги кунда таълим жараёни ишлаб чиқариш, фан-техника, маданият ва маънавият ютуқларини ўрганиш тизими билан интеграциялашувини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси янги ҳарбий тактик истиқболининг тараққиёти ҳақида ёшларда ёрқин тасаввур ва фикрларни шакллантириш лозим. Ҳарбий таълим мазмунида, энг аввало, ўқитиш жараёнининг тарбиявий имкониятлари, ҳарбий хизматчи эгаллайдиган билим, кўникма малакалардан ҳарбий ҳаракатлар ва ватан мудофаасида фойдалана олиш салоҳиятини юксалтириш жоиз. Таълим жараёнида ҳарбий хизматчи саводхонлиги, маълумотлилиги, маданиятлилиги, ҳуқуқий-иктисодий билимдонлиги, ҳарбий-мудофа тайёргарлиги юксак даражаларининг таъминланиши шарт. Шунга кўра, мазкур жараёнда ҳарбий хизматчиларни ўзлаштираётган билим ва тушунчаларни мустақил таҳлил қилишга ва холисона фикр билдиришга ўргатиш зарур.

Анъанавий ўқитиш методлари билан янги ҳарбий таълим технологияларини уйғунлаштириш туфайли ўқув-тарбия жараёнида субъект-субъект муносабати асосида ҳамкорлик муҳитини қарор топтириш лозим бўлади. Зеро, бугунги таълим жараёнида ўқувчи таълимнинг ҳам обьекти, ҳам субъекти сифатида гавдаланиши мумкин. Бу жараёнда эса ҳарбий хизматчиларнинг психиофизиологик ва касбий-психологик тайёргарлигини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Қолаверса касбий-психологик тайёргарлик талбларига жавоб бера олмайдиган ҳар қандай ҳарбий хизматчининг фаолият самарадорлигига эришиш учун ҳарбий хизматчисининг ўзига хос психологик тайёргарлигини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Психологик тайёргарликнинг мақсад ва вазифаларини умумлаштириб шуни таъкидлаш керакки, жанговар, ижтимоий шароитлар жараёнида ҳарбий хизматчининг мия ярим кортексида аниқ табиий-географик, об-ҳаво-икклим шароитида жанговар хизмат вазифаларни ҳал қилишга қаратилган функционал тизимлар мажмуини шакллантириш зарур. Бундай функционал тизимларнинг мавжудлиги ҳарбий хизматчиларга ҳар қандай шароитда ҳам таниш муҳитдаги каби ҳаракат қилишига имкон беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ермолаева А.В. Психологические особенности личности военнослужащего – участника боевых действий // Психологическая наука и образование. 2013. №1. С. 1–12.

2. Забегалина С.В., Белозёрова Л.А., Чигарькова А.В. Структура личности специалиста, обеспечивающая эффективность деятельности в особых условиях // Вестник КГУ. 2015. №1. С. 42–45.

3. Кааяни А.Г., Волобуева Ю.М. Военная психология как область специального научного знания и практики // Вестник Московского университета. Серия 14. Психология. 2007. №4. С. 20–33.

4. Жўраева С.Н. Педагог имижини тавсифловчи шахслилик хусусиятлари Pedagogik mahorat.// Ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2022, №1 февраль, 50-56.